

*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat
Universiteti
Filologiya fakulteti o'zbek tili bo'limi*

REFERAT

Mavzu: N.Aminov hajviy asarlarining hayotiy asoslari

Topshiruvchi: Seypanova Intizor

Qabullovchi: Dusenbayev O.

Nukus - 2013

НЕЪМАТ АМИНОВ ҲАЖВИЙ АСАРЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ АСОСЛАРИ

Бадий ижодда талантдан бошқа ҳамма нарса ва барча имтиёз ёрдамчи воситалардир. Ҳеч бир талантсиз ижодкор санъаткорлик мақомига юксала олмаслигининг сири ҳам мана шунда. Адабиёт ва талант бир жону бир тандир. Уларнинг тақдирини бир-биридан ажаратиб бўлмайди. Шунинг учун улкан талантларнинг ўз йўлидан чалғиши адабиётнинг таъсир қувватига, мавқеига ҳам каттиқ зиён етказади. Адабиётнинг истеъдодли ижодкордан якка-ю ягона талаби: яхши асар яратиш. Бошқаси қизиқтирмайди уни. Шу ҳақиқатни чуқур англаган ёзувчи ва шоир борки, адабиёт учун яшайди, куч-қуввати ва шижоатини адабиётга бағишлайди. Етмишинчи йилларнинг ўрталарида адабиётимизга кириб келган ёшларда худди шундай тушунча устувор эди. Шунинг учун уларнинг адабиёт ва ижодкорлик тўғрисидаги умумий ва «анъанавий» фикр-қарашларини қабул қилишмаганди. Бундан кимлардир норози бўлди. Кимлардир ғазабланди. Яна бировлар танқидий чиқишларида шўро мафкурасини қурол ва қалқонга айлантиришга уринишди. Ҳолбуки, ошкоралик ва қайта қуриш замонида ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам дар два илҳом билан ёзилган ҳеч бир асар ҳақида ножўя гап, ғаразли фикр айтилмаган. Бунинг ёрқин мисолларидан бири беназир адиб Неъмат Аминовнинг китобларидир.

«Неъмат Амин Бухорода туғилиб, камол топган туғма ҳажвчи ва сатирик санъаткордир. У катта адабиётдаги йўлини, қиладиган иши ва ўрнини яхши англади», - деб ёзади адабиётшунос И.Ҳаққулов.¹

Кўринадики, ёзувчи ҳаёт бағридан чиққан, воқеликдан сира йироқлашмаган ёзувчи. Бундоқ қаралганда, унинг асарларидаги аксарият қаҳрамонлар замонанинг майда одамлари. Фикр-мулоҳазалари ҳам шунга яраша: тор, биқик, якранг. Лекин «Нега шундай? Булар қайси замоннинг фарзандлари? Мураббийлари ким?» деган саволлар билан уларнинг характери ва тақдирини талқин қилишга киришсангиз – ёлғон ортидан ёлғон,

¹ Ҳаққулов И. «Бухоро мавжлари» журнали, 2007 йил, 3-сон.

сохталик кетидан сохталик, фожиа изидан фожиа очилиб, катталашиб бораверади. Ва шўро давлати аталмиш улкан қасрнинг пойдевори бунчалик бўш, бунчалик омонат, бунчалик яроқсизлигига ишонч ҳосил қилганингизни сезмай ҳам қоласиз.

Усмонли турк шоири Маҳмед Акиф Эрсой бир мақоласида шундай ёзади: «Ўнғай туюлган ҳар қандай мавзуда ёзаверамиз. Ҳеч бўлмаганда ижтимоий дардларимизни тўкишдан, ярлримизни очиб кўрсатишдан чекинмайлик. Бундан мақсад, бир қанча ожизу бечоралар ўйлани ёки англаганидек, миллатни юртга, душманларга масхара айлаш эмасдир. Ниятимиз ўзимизни эмас, балки нуқсон ва иллатларимизни масхаралаш эрур». неъмат Амин ҳам тахминан худди шундай мақсад билан қалам тебратиб, миллатни ичдан кемириб ётган нуқсон ва офатларга эътиборини қаратди.

Маълумки, тилсиз миллат бўлмаганидек, шевасиз тил ҳам бўлмайди. Ҳар бир мамлакат ўзининг қонуний ва табиий чегараси ичида қандай ривожланса, ҳар бир тил ҳам ўзининг шевалари доирасида шундай тараққий топади. Шу боисдан ҳам ёзувчилар ўзлари мансуб шева хусусиятлари ва имкониятларига бефарқ бўлишолмайди. Зеро, шева фақат талаффуз, ифодада эмас, балки муҳит, мушоҳада, характердаги ўзиг хосликларни англаш ва ёритишга ҳам хизмат қилади. Неъмат Аминов бу имкониятдан ниҳоятда моҳирлик билан фойдалана билган. У яратган образлар феъл-атвори ва ва ички қиёфасини Бухоро шевасисиз умуман тасаввур этиш мумкин эмас.

Неъмат Аминовни машҳур қилган омиллардан бири – адибнинг камтарлиги. У айрим қаламкашлар каби институтни битириши биланок поцтаҳтга интилмади. Бетакрор ижоди, ўткир, мағзи бутун ҳажвиялари билан танилгач, пойтахтнинг ўзи унга талабгор бўлади. Иззат-икром билан нуфузли «Муштум» журнаliga ишга таклиф этилади.

Пойтахтда ёзувчининг истеъдоди ҳар жиҳатдан, тўла-тўқис намоён бўлади. Бир жиҳати хизмат тақозоси туфайли бўлса керак, у ҳажвиялардан ташқари жуда кўплаб фельетонлар, мақолалар ёзади. Ҳажвчининг нони

каттик бўлишига тобора амин бўла борган ёзувчи танқидни, ҳажвни нотўғри талқин қилувчиларнинг турли тазйиқларига, асоссиз даъволарига сабр-тоқат билан чидайди. Бир муддат бадиий таржима билан ҳам шуғулланади. Мольернинг «Сохта оқсуяк», Б.Нушичнинг «Министрнинг жаноб олиялари», Дерфашнинг «Тирқиш», Гориннинг «Сен ким-у, мен ким?», Михалковнинг «Думалоқ хат» каби комедиялари ва Чехов, Зошченко, Аверченко, Марти Ларни, Азиз Несин каби кулги дарғаларининг асарларини маҳорат билан ўзбекчалаштиради. Борис Приваловнинг «Улыбки Майсары» китобининг таржимаси эса ўз даврида анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлган эди. Гап шундаки, бу асарни ёзувчилар Иброҳим Раҳим ва Ҳамид Ғуломларнинг илтимос-буюртмасига кўра таржима қилган эди. Нашриёт муҳаррири эса таржимага асоссиз салбий баҳо бериб, матнни қизил қаламда бўяб ташлайди. Устознинг кўзига дунё қоронғу кўриниб, аввалданоқ кўнгли чопмаган бу ишга қял урганидан пушаймон бўлади. Бу орада машҳур таржимашунос олим Ғайбулло Саломовдан ушбу таржимага холис баҳо беришни илтимос қилади. Олим эринмай 42 бетлик ички тақризида таржимани юқори баҳолайди. Ўша тақриз шундай якунланган эди: «Ҳурматли Борис Привалов афандим, мабодо Насриддин Афанди ҳақида янги асар ёзмокчи бўлсалар, Неъмат Аминовнинг ушбу таржимасини тил биладиган яхшироқ бир таржимон топиб русчага ўгирсалар, Насриддин Афанди ҳақида ажойиб, ҳақиқатга мос келадиган бир аар яратган бўлурдилар...»

Таржима асарнинг аслиятдан кўра юқори савияда бўлиши (аслида, кўпинча бунинг тескараси бўлади) амалиётда камдан-кам учрайдиган ноёб воқеадир.

Неъмат Аминов ижодида ҳажвиёт устувор йўналиш касб этади, устоз бир умр ушбу жанрга садоқат билан, астойдил хизмат қилади. Адабиётимизни ўлмас, умрбоқий асарлари билан бойитади. Турли йилларда ёзувчининг «Икки пуллик обрў», «Қирқ учинчи почча», «Лабиҳовуз хандалари», «Жигари тўкилди», «Тилло табассумлар», «Чинорлар қўшиғи» каби китоблари чоп этилади.

Неъмат аканинг ҳажвиялари шавқ билан ўқилгани учунми, бир карашда осонгина, бир нафасда ёзилганга ўхшайди. Аммо дўппини мундок кўйиб ўйлаб кўрилса, бу фазилат юксак маҳорат маҳсули эканлиги маълум бўлади. Ёзувчи китбхонни кулдириш учунгина қалам тебратмайди. Ҳажвиялрга туртки бўлган воқеа-ҳодисалар аввало ниҳоятда ҳаётийлиги ва табиийлиги билан ажралиб туради. Улар шуниси билан таъсирчан, китобхон кўнглига яқин. Ёзувчи худди моҳир рассом каби бир-икки характерли чизиқлар, ранглар воситасида қаҳрамон қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантириб қўяди. Салбий типларни тасвирлашда нуқул қора бўёқларни чаплаб ташламайди. Ҳар қандай ёмон одамнинг ҳам аввало инсон, айти чоғда, хом сут эмган банда эканлигини эътибордан соқит қилмайди. Меъёрни унутмайди. Бир сўз билан айтганда, нимани ёзишни ва қандай ёзишни яхши билади. Бу эса чинакам санъаткорликдир.

«Лабиховуз хандалари» китобида «Туғилган куним қани?» деган ажойиб бир ҳажвия бор. Ҳажвия шундай бошланади:

«Ойиси Хуршидни боғчадан вақтли оларкан, трбиячисига «Бугун болагинамнинг туғилган куни!» деди. Кундузги уйқудан вақтли уйғотилган Хуршид «туғилган кун»нинг нима эканлигига ақли етмаса-да, қувнаб ирғишлай бошлади:

- Туғийган куним, туғийган куним! – дея қичқирганча олдинга тушди».

Афсуски, болакайнинг қувончи узоққа чўзилмайди. Оқшом хонадонга меҳмонлар йиғилганда тантананинг асосий «айбдори» бир четда қолиб, ҳамма саъй-ҳаракат, ҳамма эътибор «ўзи ёш бялишига қарамай республикада хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвонга сазовор бўлган Саврижон Салимов»га қаратилади, унга ҳамду санолар ўқилади. Болакай билан эса ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Шу боис, унинг мурғак қалби изтироб чекади, «Туғийган куним тани?» дея ғингшиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила бошлайди. Бу эса катталарга ёқмайди. Улар ўзларига халақит бераётган болани судргандек қилиб бошқа хонага олиб чиқадилар. Бечора болакай «қўғирчоқларига қиё ҳам боқмай, узоқ ўтиради. Зерикади, юраги тўлишиб,

кўзларига ўз-ўзидан ёш келади. Хўрсинади. Унсиз йиғлайди... Қўшни хонада ҳамон унинг туғилган куни нишонланар, меҳмонларнинг бири отасини мақтаса, иккинчиси онасини мақтарди». Ёзувчи шу тарзда боланинг нигоҳи билан бир-бирига мутлақо ўхшмаган икки хил одам – катталар ва болалар дунёсидаги фарқни контраст усулида тасвирлайди, худди шу фарқ туфайли келиб чиқадиган, бир қарашда кулгили туюладиган воқеа заминидаги кичик фожиани ҳам катта маҳорат билан кўрсата олади.

«Лабиҳовуз хандалари» тўпламидаги кўпчилик ҳикоялар китобхон калбида енгил юмор уйғотибгина қолмай, балки «кулдириб туриб жонни олади», яъни жиддий мулоҳаза юритишга, айрим кишиларнинг бир қарашда беозор бўлиб туюлган қилиқлари остида анча хавфли иллатлар яшириниб ётганлигини кўрсатади.

«Туғилган куним қани?» ҳажвиясида ёзувчи ортиқча сўзлар ҳамда воситаларсиз тасвир объектини белгилаб олади ва кишилараро айрим муносабатлар моҳиятини боланинг шўх қилиқлари, хатти-ҳаракатлари орқали очишга киришади.

Катталар Хуршиднинг туғилган кунини нишонлаш баҳонасида ўз кўнгилларидаги гапни айтиб олишмоқчи. Бундай гапларни ҳар қаерда айтиб бўлмайди, чунки улар самимиятдан кўра кўпроқ хушомадгўйликка, сохталикка яқин. Шунинг учун ҳам стол устидаги ноз-неъматлар, кетма-кет кўтриладиган қадахлар сохта туйғуларни тилга чиқаришга бир туртки, холос. Шу саббдан ҳам кеча қаҳрамони бўлмиш Хуршид билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бола қадах кўтарган кишилар ўз номини айтиши билан сергакланади, ундан кейинги гапларнинг эса, Хуршидга асло дахли йўқ, яъни гоҳ онасининг, гоҳ отасининг фазилатини қайд этишади. «Хуршид бу сўзларнинг фарқига бормайди, боши оғирлашиб ғувиллайди». Устига-устак, ўз шўхликлари учун онасидан дашном эшитади. Шундай қилиб муаллиф «катта»лардаги сохталик ва боладаги самимият ўртасида қаршилантриш ҳосил килади ва ҳикоянинг таъсирчан чиқишига эришади.

Бола рухияти ва хатти-ҳаракатлари маънавий қиёфасини таҳлил этиш тажрибаси «Чақимчи» ҳикоясида ҳам давом эттирилади. Нопок оилавий муҳитда улғаяётган Ашур болаларга хос соддалик билан маҳаллий кўмита раиси Иззатулла ака олдида онасининг маънавий тубан қиёфасини очиб кўяди ҳамда беодоб қилиқлар билан онаси ва унинг ахлоқи ҳақида «хабар»ларни исбот қилгандек бўлди. Иззатулла как қалбида исён урган оғир ҳиссиёт, «хабаркаш» бўлмаслик «ўғити»ни олган бола кўнглидаги зиддият, она бўлмиш Маликахоннинг фарзандига саросима аралаш ўқрайиб боқишлари буларнинг ҳаммаси китобхонда кулги ёки нафрат эмас, балки бола тақдирига нисбатан чуқур изтироб ҳисларини уйғотади.

Ана шу ўринда ёзувчининг кулгиси фош этувчи захархандага айланади. Аммо, айтиб ўтиш керакки, «Чақимчи» таъсирли ва оригинал бўлиши билан биргаликда, унда ҳажвия композициясига ортиқча кириб қолган образлар ҳам йўқ эмас. Маликахон ва унинг ўғли Ашур жамоа билан бирга пахта терими – хашарга боришининг ўзи ва шу билан боғлиқ воқеалар тасвири ёзувчи айтмоқчи бўлган фикр учун кифоя эди. Муаллиф асар воқеаларига колхозчи Очилни ўринсиз равишда аралаштиради. Неъмат Аминовнинг қаҳрамон тилини индивидуаллаштириши, ҳажвчиликда кўп қўлланадиган муболаға усулидан қочиб, кишиларнинг фикрлаш тарзи воситасида уларнинг асл қиёфасини гавдалантириб бераётгани қувонарлидир.

«Қоровул» ҳикоясидаги Абдулбоқий, «Табрикнома»даги Шоназар Қосимович, «Даври даврон»даги Қўзивой ака, «Думли юлдуз»даги Умматали, «Қирқ учинчи почча»даги Чори Ниёз ва бошқалар мисолида буни кўриш мумкин, ўз бурни остидан нарини кўрмайдиган кимсалар, шахсиятпарастлик қобиғига ўралиб қолган худбинлар, бойлик тўплаш ниятида юзтубан кетган кишилар, отарчи-яллачилар муболағасиз, холисона фош этилар экан, бу Неъмат Аминов маҳорати ошганидан далолатдир. Чунончи ёзувчининг портрет чизиш маҳоратини қайд этиб ўтиш ўрнидир. «Қоровул» ҳажвиясидаги Абдулвосиф портрети ўз жисмига ниҳоятда монанд: «У стулга ўтираркан, ўттизинчи йилларда кийиладиган нусхадаги

шапкасини бир оз кўтариб, бошини силади, қирра бурни ўрқачига илиниб турган кўзойнаги устидан бошлиққа қаради». Кўринадики, муаллиф бир-икки чизги воситасида қаҳрамон қиёфасини яратган. Кейинги воқеалар шу портретга монанд суратда ривожлантирилади. Шуниси диққатга сазоворки, Неъмат Аминов бошқа адиблар қўл урмаган ҳаётий воқеа-ҳодисаларни топиб тасвирлашга ҳаракат қилмоқда. Лекин у баъзан характер тасвири таҳлилида, муайян ҳаётий кузатишларни адабиётга олиб киришда китобхон ҳазм қилиши қийин бўлган бадиий хулосаларни ҳам беради.

Табиийки, ҳар бир бадиий асар ўзида маълум бир эстетик баҳони ифода этади. Аммо «Конкурсбоп ҳикоя» сирасидаги ҳажвияларнинг номукаммаллиги муаллифнинг муваффақиятли чиққан асарлари олдида кўзга яққол ташланади.

«Тўтихон» ҳикоясида ҳам кулги зминидаги фожиа анча бўртиб кўринади. Адабиётда фожиа билан кулгининг омехта бўлиб кетишини тасвирлай олиш эса камдан-кам сўз санъаткорига насиб этган.

Асарнинг биринчи қисми «Елвизак» номи билан нашр этилгандаёқ тилга тушиб, машҳур бўлиб кетган эди. Иккинчи қисми «Суварак» деб аталди. Ҳар икки қисмнинг бош қаҳрамони елвизакфеъл суваракмижоз Баширжон Зайнишевдир.

Сир эмаски, эндиликда Баширжон Зайнишев дейилганда китобни ўқиган ва ундан завқланган мухлислар лабида беихтиёр табассум пайдо бўлади. Маълумки, ёзувчилик санъатининг энг муҳим, масъулиятли жиҳати характер яратишдир. Баширжон Зайнишев эса шунчаки тўлақонли, мукаммал яратилган характер эмас, замона зайли билан юзага чиққан ўзига хос типдир.

Ўтган асарнинг ўрталарида одамларни раҳбарлик ишига тайинлашда ғалати тамойиллар бўлган. Шулардан бири – «номенклатура» деб аталар, бунинг жайдари маъноси – раҳбар одам гўё онасининг қорнидан бир умр раҳбар бўлиб туғилар, бир ишдан олинса, худди томдан ташланган мушук барибир оёғи билан ерга тушгандек, албатта яна бошқа ишга раҳбар бўлиб оларди. Баширжон Зайнишев ҳам турли лавозимларда ишлайди, туман

маданият бўлимида, маҳаллий саноат корхонасида, суғурта идорасида раҳбар бўлади. У қаерда ишламасин, ҳамма жойда ишни расво қилади. Ҳамиша биринчи галда ўз манфаатини ўйлайди, порахўрлик, таъмагирлик қилади, маишатга берилади. Қилмишлари очилиб, энди шарманда бўлай деганда, ҳар гал суянган тоғи Шамси Тўраевич жонига оро киради. Асарда бу одамнинг қандай вазифада ишлаши аниқ айтилмайди. Унга Зайнишевга ўхшаб қулдек хизмат қиладиган, нима деса, ҳўп дея қуллуқ қилиб турадиган муте ижрочилар жуда-жуда керак эди.

Шубҳасиз, Баширжон Зайнишев Неъмат Аминов яратган энг ёрқин, мукамал характер. «Бир жиҳатдан у елвизакка ўхшаб кетарди, - деб ёзади муаллиф ўз қаҳрамони ҳақида. – Елвизак – терлаган, димиққан баданларга хуш ёкса-да, аслида у жуда кўнглисиз оқибатларга олиб келади. Баширжон ҳам ўта соддалиги билан кўринишда беғараз, беозорлиги билан кўпларга ёқади. У бир ташкилотга бошлиқ бўлиб келган захоти маълум бир ишлар қилиш мақсадида югириб-елади. Лекин ҳаял ўтмай, у яна ўз шахсий манфаатлари, кичик, арзимас ташвишлари билан алаҳсиб кетади».

«Ёлғончи фаришталар»нинг муҳим фазилатларидан яна бири – қаҳрамонлар нутқининг ўзига хослиги. Ҳар бир қаҳрамон фақат ўзига хос тилда, ўзига хос йўсинда сўзлайди, шу аснода унинг характери ёрқинроқ очилиб боради.

«Мен «атеистман!»... Лекин, худога шукр, мусулмонман...» дейди Баширжон Зайнишев кўкрагига уриб. Суғурта идорасида раҳбарига қандай қилиб давлат мулкини ўмариш юзасидан «қимматли» маслаҳатлар берган хотинмижоз, ҳезалакнусха Қиёмхоннинг асл башараси ҳам ўзининг нутқи орқали фош қилинади. Айрим жиҳатлари билан Садриддин Айний яратган машҳур Қори Ишқамбани эсалатувчи Вафо атторнинг нутқи янада характерли. Умуман айтганда, ёзувчи тилимизнинг бебаҳо, бетакрор бойлиги бўлмиш шевалардан унумли фойдаланган, уларни қаҳрамонлар нутқи орқали дадиллик билан адабий тилга олиб кирган. Бухоро воҳасининг ўзига хос

колорити, нафасини ёзувчи асарларининг ҳар бир сатрида сезиш, ҳис қилиш мумкин. Бу эса жуда муҳим фазилатдир.

Неъмат Аминовнинг асарларида диққатни жалб қиладиган муҳим жиҳатларидан яна бири – қаҳрамонларнинг исму шарифи. Ҳа, қаҳрамонларга исм танлай билиш ҳам алоҳида маҳоратни талаб қилади. Ёзувчи томонидан топиб қўйилган исмлар шу қадар узукка кўз қўйгандек жойига тушганки, гўё исмларнинг ўзиёқ қаҳрамонларнинг ким эканлигини кўрсатиб, таърифлаб тургандек туюлади. Ҳа, биз Баширжон Зайнишев деганда, бежиз кулиб қўймаймиз. Ёки, Қирмизхон, Қиёмхонларнинг номи ҳам алоҳида бир «юк» ташиётганга ўхшайди. Буни қарангки, ҳатто Қирмизхоннинг дугонаси ҳам... Ношпўттихон! Топилмадан завқланиб, беихтиёр, «Э қойил-е!» деб юборасиз.

Бугунги кун – эртага тарих. Яхши асар ўз даврининг бадий соломаси. Ҳозирги ёшлар «Ёлғончи фаришталар»ни ўқиб, яқин ўтмиш – ўтган асрнинг 60-70-йилларидаги ижтимоий ҳаёт, иқтисод ва сиёсат, урф-одатлар, турфа хил одамларнинг туриш-турмуши ҳақида ҳам анча ёрқин тасаввур ҳосил қилишлари мумкин. Бизнингча, бу асар шу жиҳати билан ҳам аҳамиятлидир.

Неъмат Аминов кулги билан туғилиб, кулги билан яшаб ўтди. Умрбод кулгига, ҳажвга содиқ қолди. Бухоро ва бухороликларнинг барҳаёт кулгисини адабиётга муҳрлаб кетди. «Қасб-қорим одамлар лабидан, одамлар тақдирдан табассум излаш бўлди. Ҳар бир кўргним- табассумни гўё бир тилло топгандек ёндафтарчам варағига авайлаб тугиб, хотирам қавақларига яшириб қўйдим. Вақти келганда шу «тилло»ларни қимматли ўқувчиларим бошидан сочдим. Бундан кўпларнинг руҳи ойдинлашиб, кўпларнинг юзи мунаввар бўлди... Битта-ярим жириллаганлар ҳам йўқ эмас. Начора...», деб ёзган эди Неъмат Аминов ўзининг «Тилло табассумлар» китоби сўзбошисида.

Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, Неъмат Аминов адабиётга ёниб кирган истеъдодлардан эди. Ёниб яшаш, ёниб ижод қилиш, ёниб сўзлаш Неъмат Аминов учун табиий ҳол эди. У кишининг биринчи китоби – «Икки пуллик обрў» чоп этилиши билан адабиётда воқеа сифатида баҳоланди, ўз

ўқувчиларини топди. Илк китоби билан шуҳрат қозониш, тилга тушиш камдан-кам ёзувчига насиб этади. Шундан сўнг турли йилларда чоп этилган «Қирқ учинчи почча», «Лабиховуз хандалари», «Тилло табассумлар», «Жираги тўкилди», «Чинорлар қўшиғи», «Қаҳқаҳа», «Бир аср ҳикояти» сингари китоблари ҳам қўлма-қўл ўқилди, адабий жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Адибнинг номини машҳур қилган «Елвизак» ва «Суварак» қиссалари негизида «Ёлғончи фаришталар» ҳажвий романи дунёга келди. Истеъдод билан ёзилган бу йирик асар ҳам адабиётда ўз ўрнини топди. Биринчи бўлиб таниқли олим Озод Шарафиддинов катта мақола ёзди. Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад Неймат Аминов хотирасига бағишлаб ёзган ёдномасида шундай дейди: «Ёлғончи фаришталар» бугунги адабиётимизнинг дурдона асари бўлиб қолди. Шамси Тўраевич, Баширжон Зайнишев, Вафо Аттор, Қиёмхон, Қирмизхонлар сингари яхлит қуйма образлар сенинг чинакам портрет устаси, унча-мунча ижодкорларга насиб қилмаган ноёб сўз расоми эканингни намоён қилди».

Собиқ шўро даврида ҳажвчи бўлиш қийин эди. Лекин танлаган йўли қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, Неймат Аминов унга умрининг охиригача содиқ қолди ва мардона туриб ижод қилди. Уни порахўрларнинг пўписаси, юлғич ва такаббурларнинг дўқи, ғийбатчи ва тухматчиларнинг тухмати, мансабдор ва бюрократларнинг стол остидан кўрсатган муштлири асло чўчитмади.

Ҳалоллик билан тутган қалами асло титрамади. Масалан, «Кўтариб уриш операцияси» номли интермедияси телевидениеда намоён этилгач, бир гуруҳ ишчилар телевидениега айнан шундай воқеа уларнинг корхонасида рўй бераётганидан ташвишланиб шикоят ёзишган. Текширилгач, корхона раҳбарининг барча кирдикорлари очилиб, ишдан четлаштирилиб, жазоланган. Адолат қарор топган. Ёки «Республиканский эшон», «Қора юрак», «Кўк чироқ, қизил чироқ», «Айбдор сигир» сингари фельетонлари жиддий шов-шувларга сабаб бўлган.

«Муштум»нинг оммавийлашувида, мазмунан янада бойишида дастлаб масъул котиб, сўнг бош муҳаррир вазифасида ишлаган Неъмат Аминовнинг хизматлари катта. Лекин ўзлари ҳам «Муштум»дан ноҳақ мушт еган пайтлари бўлган. Масалан, 80-йилларнинг ўрталарида журналда босилган «Арслоннинг ўлими» масали туфайли журнал бош муҳаррири раҳматли Иброҳим Раҳимдан тортиб, ишдан ҳайдалган бир гуруҳ ходимлар орасида Неъмат Аминов ҳам бор эди. Айби – бўлим мудир сифатида масаланинг чоп этилишига имзо чеккани эди. Адолатнинг йўлини тўсиб бўлмайди. Мустақиллик арафасида Неъмат Аминов «Муштум»га бош муҳаррир этиб тайинланди. Кейинчалик у киши республика Маънавият ва маърифат марказига раҳбарлик қилди, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлди. Неъмат Аминов нафақат ўз асарлари билан, балки зиёли раҳбар ва фидойи инсон сифатида миллат маънавияти ва маърифати ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Неъмат Аминов кирган даврада ўз-ўзидан кулги янграр, қаҳқаҳа авжига чиқарди. У киши ҳозиржавобликда устозлари Саид Аҳмад билан салкам елкама-елка юрардилар. Унинг кулгисига нишон бўлган одамга омонлик йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, Неъмат Аминов ҳар қандай кулгини, кулгили воқеани «ҳиди»дан биладиган кулги овчиси эди. Кичик бир кулгили воқеадан катта ҳикоя яратарди. Ҳаётда қаҳрамонлари Неъмат Аминовга ўзлари рўбарў келарди, ўзлар ёзувчининг қаламига «хўрак» бўларди. У беҳато отадиган тажрибали ва моҳир мерган каби кулгини ҳамиша тўғри ва аниқ нишонга оларди. Шу боис ҳам Неъмат Аминов яратиб кетган ҳажвий асарларнинг қаҳрамонлари ҳаётий ва умрбоқийдир.

Инсон табиатининг ўзи шунақа: ҳар доим ҳам «олдидан оққан сувнинг қадрига етавермайди», олдидаги турган одамнинг бўй-бастига, гап-сўзига, кийинишига, ҳатто мансабига қараб баҳо беради, буларнинг бари ўткинчи, деб минг такрорланг, барибир, қайсар экан, қайсарлигича қолади.

«Мен ўзим ким эдим?»

Роман қаҳрамони Баширжон Зайнишев ўзига ана шундай савол беради. Бу саксонинчи йиллар воқеаси эди. Айни пайтда, ҳозирги кун қаричи билан ўлчасак, муаллиф ўз замонидаги қаҳрамони тилидан айтилаётган мана шу бир оғиз сўз «елкаси»га тоғдек масъулият юклаган. Асар қаҳрамони ўта содда, ўрни келганда жуда муғамбир, бировнинг бурнин чертган эмас, аммо яхшилик ҳам қилмаган, баъзан ҳаддан зиёд довдир, бу ҳам ўз фойдасига. Лекин у одамларга нуқул кулги бўлади.

Муаллиф нега уни шу кўйга солди? Адабиётда кўпинча муаллифлар ўз қаҳрамонларини севиб-ардоқлаб, уларнинг ижобий томонларига «ширинликлар» қўшиб, уни китобхонларга яхши кўрсатишга интиладилар, Неъмат Аминов эса Баширжонни аямайди, ҳатто тирмизак ўғилчаси ҳам уни масхара қилади.

- «Сочийиз қани?

- Тўкилган.

Ашур қийқириб кулди:

- Сочийиз сувми, тўкилади?»²

Бу кулгининг замирида нима бор эди? Жавоб қидириб ўтирманг, муаллифнинг ўзи ишингизни осонлаштиради: «Мақсадим, - деб ёзган эди Неъмат Аминов китоб сўзбошисида, - унинг «салбий» томонларидан беғараз кулиш... Зора, улар оламда энг оғир жазо – кулгига маҳкум этилган Баширжон ҳолига тушмаслар...»

Муаллиф «тушмасинлар» деб ёзиши мумкин эди, лекин нима учун «тушмаслар» деб умид қилди? Нимадан огоҳ этган ва нимага умид қилган эди? Ана энди бу сўз ҳам сизни ўйлантиради.

Ҳар бир ижодкорнинг асари ўзига ўхшайди, деган гап бор. Юрагида гули бор одамнинг асаридан хушбўй ҳид таралиб туради. «Ёлғончи фаришталар»да ёнаётган юрак гулининг ҳидлари бор. Саксонинчи йилларда миллатининг келажак аҳволига қайғураётган юрак бор эдики, ундги гулнинг

² Аминов Н. Ёлғончи фаришталар. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 145, 146.

бир томони сўлиб ётарди. Неъмат Аминов ҳам ана шундай куюнчак адиблардан бири бўлгани учун ҳам Баширжон орқали «кулиб ором олайлик, лекин кулги бўлмайлик», дея бағрини оловга берган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси. Филол. фанлари докт. дисс. Тошкент, 1994.
5. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Тошкент. «Фан», 2004.
6. Раҳимжонов Н. Бугуннинг қаҳрамони ким? Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 6-сон.